

9-10-2020

THE ART OF HYPERBOLE IN THE EPIC NISHATI "HUSN AND DIL"

Muzaffar Rakhmakulovich Mamatkulov
Gulistan state university Doctor of Philosophy in Philology

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mamatkulov, Muzaffar Rakhmakulovich (2020) "THE ART OF HYPERBOLE IN THE EPIC NISHATI "HUSN AND DIL"," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 2 : Iss. 9 , Article 42.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ART OF HYPERBOLE IN THE EPIC NISHATI "HUSN AND DIL"

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

НИШОТИЙНИНГ “ХУСН ВА ДИЛ” ДОСТОНИДА МУБОЛАҒА САНЪАТИ

Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович

Гулистон давлат университети

филология фанлари номзоди

Аннотация. Мазкур мақола Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достони бадиияти масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда шоирнинг муболага санъатидан фойдаланиш маҳорати таҳлил этилган. Ушбу масаланинг ҳал қилиниши, биринчидан, тадқиқ этилаётган романтик достон моҳиятини янада яққолроқ очилишини таъминласа, иккинчидан, унинг ўзига хос томонларини ёритишга ҳам хизмат қилади.

Таянч сўзлар: достон, образ, муболага, муболага турлари, достон бадиияти, шоир маҳорати

ГИПЕРБОЛА В ЭПОСЕ НИШАТИ “ХУСН И ДИЛ”

Маматкулов Музаффар Раҳманкулович

Гулистанский государственный университет

Кандидат филологических наук

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам изучения художественности эпоса “Хусн и Дил” Нишати, в котором анализируются мастерство использования гиперболы поэтом. Решение этой проблемы, во-первых, обеспечивает более четкое понимание сути исследуемого романтического эпоса, а во-вторых, служит для раскрытия его особенных сторон.

Ключевые слова: эпос, образ, гипербола, виды гиперболы, художественность эпоса, поэтическое мастерство

THE ART OF HYPERBOLE IN THE EPIC NISHATI "HUSN AND DIL"

Mamatkulov Muzaffar Rakhmakulovich

Gulistan state university

Doctor of Philosophy in Philology

Abstract. This article is devoted to the study of the artistry of the epic “Husn and Dil” Nishati, which analyzes the skill of using *hyperbole* by the poet. The solution to this problem, firstly, provides a clearer understanding of the essence of the romantic epic under study, and secondly, serves to reveal its special aspects.

Keywords: epic, image, hyperbole, types of hyperbole, artistry of the epic, poetic skill

Муболага санъатидан ёзма адабиётда ҳам халқ оғзаки ижодида ҳам кенг фойдаланилган. Ўтмишда, шунингдек, кейинги даврларда яратилган мумтоз поэтикага оид тадқиқотларда ҳам муболага тўғрисида айрим фикрлар учрайди. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний бу тасвир воситаси ҳақида “... муболага андин ибораттурким, сўзлағучи бир нимани васф этарда анинг кучлуглуги ёки кучсузлағунинг ортиқлиғин, ул ортиқлик одаттин ташқари ёки эшиткучи ул васф

етук эрмас деган хаёлга бормайтурган даражада, даъво қилур”[1] деб ёзса, Фитрат “Адабиёт қоидалари” рисоласида “туйғуларимиздан бирининг жуда кучли эканин билдирмак, уни бўлганидин бир оз ортириб кўрсатмакка муболаға деймиз. Муболаға чин (самимий) бўлса, жудаям ошириб юборилмаса, зўраки ясама бўлмаса, туйғулардоги кучлилик - ўткирликни онглантишга катта ёрдам қиладир” [2], деб қайд этади. Дарҳақиқат, муболағанинг моҳиятини бирор нарса, ҳодиса, воқеа ёки инсонга хос бўлган белги, хусусиятни орттириб, кучайтириб тасвирлаш ва шу йўл билан ифодани образли тарзда бўрттириш, унинг таъсирчанлигини ошириш ташкил қилади.

Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достони бадииятини муболағасиз тасаввур этиш қийин, албатта. Муболаға дostonда бир неча хил кўринишларда намоён бўлади. Айниқса, улар орасида дoston қаҳрамонлари тасвири билан боглиқ жараёнлардаги муболагалар алоҳида ажралиб туради:

Базм аро соқий анга хуршид эди,
Ҳар бириси ой эди, Ноҳид эди,

Лекин анга талх бўлуб барча ком,
Майни қилиб эрди ўзига ҳаром.

Ичмакига май бўлубон захри гам,
Нуқл кўзи ёши эди дам-бадам.

Қон ёш ила кўзлари уммон бўлуб,
Илки онинг панжаи маржон бўлуб [8].

Ақл – Юнон мулкининг подшоҳи. Илму хикмат, фаҳму фаросат бобида унга етадигани йўқ. Унинг адолатлигидан мамлакатда амалга оширилган яхши ишлар кўп бўлиб, ҳаттоки, базмларда хуршид унга соқийлик қиларди. Май унинг учун ғам захрига айланган бўлса, газаги эса тинимсиз оқадиган кўз ёшлари эди. Кўз ёшлари оддий эмас, балки қонли ёшлар эди. Оқаетган қонли ёшлардан кўзлари денгизга айланиб, қўллари гўеки маржон нурларидай кўринарди.

Ақлга хуршид, яъни қуёшнинг соқийлик қилиши, унга кўз ёшининг газак эканлиги, кўзларнинг уммонга айланиб, қонли ёшга тўлиши, қўлларнинг маржонга айланиши каби ҳодисалар образли ифода маҳсули бўлиб, уларни юзага чиқарувчи омил муболаға ҳисобланади.

Ақлшоҳнинг “бир турфа дилором”и таърифида ҳам муболағали тасвирлар давом эттирилади:

Оғзу белин топмоги эрди маҳол,
Чун ғарази эрди бу икки хаёл [8].

Мумтоз адабиётда оғизнинг кичкиналиги ҳам ўзига хос тарзда талқин этилади. У қанчалик кичик бўлса, шунчалик гўзаллик белгиси саналади. Белнинг ингичкалиги ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. У қанчалик нозик бўлса, шунчалик даражада гўзаллик касб этади. Байт мазмунидан кўриниб турибдики, ошиқнинг мақсади хаёлидаги икки ҳодисани амалга оширишдан иборат эди. Бу вазифа кичкина ва нозик бўлган огиз ва белни топишнинг уддасидан чиқиш.

Достоннинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлган Назар Фодунинг топширигига кўра, “оби ҳаёт”ни излаб, сафарга чиқади. Кўп қийинчиликларни бошидан кечиради, йўл давомида бир қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Сафар чоғида пири Зарқ билан ҳам учрашади. Сухбат чоғида унга мақсадини баён қилади:

Йўқ нимани истабон озурдаман,
Жон тилабон топмай ани мурдаман.

Улки манға оташи сўзон эрур,
Зулматаро чашмаи ҳайвон эрур.

Чунки эшитди бу сўзни пири Зарқ,
Ашки аро жисми анинг бўлди ғарқ [8].

Пири Зарқнинг бу гапни эшитиши биланоқ ҳасрат билан кўп йиғлаганлигидан ўзининг кўз ёшларига ғарқ бўлиши муболаға кўрсаткичи ҳисобланади. Бу орқали шоир Назарнинг ҳаракатларидан пирнинг ниҳоятда норози эканлигини ва уни бу қийин йўлдан қайтармоқчи бўлганлигини ифодаламақда.

Йиғи билан боглиқ ҳодисалар тасвирида ҳақиқатан ҳам муболаганинг ўрни бекиёс. Нишотий достоннинг бир неча ўринларида кўз ёши билан боглиқ вазиятларни акс эттиришга ҳаракат қилади. Унда албатта шоир муболаганинг имкониятлари асосида иш юритишни лозим ҳисоблайди:

Балки кўруб даҳр эли ҳолин хароб,
Тушти қуёш пайкарига изтироб.

Чок этибон сийнасини субҳи дам,
Оқизиб ашк анжумин ул дам-бадам.

Йиғлар эди давр эли аҳволиға,
Хосса бу давр ичра Назар ҳолиға [8].

Мисраларда Назарнинг аҳволи тўғрисида гап бормоқда. Унинг ҳоли шу даражада хароблигидан оламни ёритувчи қуёш ҳам раҳми келганидан изтиробда экан. Замон аҳлининг сийнасини чок этиб, эрта тонгдан тўхтамай кўз ёши тўкиши, яъни йиғлаши Назарнинг ҳолатини бўрттиришга хизмат қилган ҳолда унга ачиниш ҳиссини уйғотмоқда. Бу жиҳатдан қараганда, кейинги мисралар янада таъсирлироқ чиққан, дейиш мумкин. Унда Назарнинг аҳволи тўғрисидаги тасвирлар янада аянчли тарзда давом эттирилади:

Жонида ўт, дийдасида сув эди,
Бошдин оёқ дард ила қайғу эди.

Ашк ила боронни хувайдо қилиб,
Оҳ ўтидин барқни ифшо қилиб [8].

Огир аҳволдаги Назарнинг ҳамроҳи қайғу ва ғам бўлиб қолганди. Жоннинг доимий қийналиши ҳамда кўз ёши изтиробнинг белгиси бўлса, тинимсиз йиғининг ёмғирга айланиши, ични қуйдираётган оловдан чақмоқнинг пайдо бўлиши каби поэтик ҳодисалар кучли дард ва аламдан дарак бермоқда.

Достондаги салбий қаҳрамонлардан бири бўлган Рақиб образи билан боғлиқ ҳолат ва хусусиятлар тасвирида ҳам шоирга айниқса муболаға жуда қўл келади. “Қалъаи сагсор”да маскан тутган Рақибнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларида ёмонлик уфуриб туради. Макр, ҳийла, фириб кабилар унинг асосий касб-корига айланган. Рақиб бировларга яхшилик қилишни билмайди. Кўринишиданок одамларда даҳшатли тасаввурлар пайдо бўлади. Уни қўрган одамлардан ташқари бошқа турли жонзотларда ҳам ўз-ўзидан қўрқинч ҳисси уйғонади:

Шақли анинг ҳар на ямондин ямон,
Кўргач ани инига киргай йилон [8].

Барча ёмонликлардан ҳам даҳшатли бўлган кўринишидан илоннинг инига кириб кетиши, ҳар қанча макр ва афсун ишлатилса-да, қайта учраб қолмаслигидан қўрқиб, ўз уйдан чиқмаслиги Рақибнинг қай даражада пасткаш ва разиллигидан далолат беради. У шунчалик золимки, ҳаттоки, ажалга ҳам фириб бера олади:

Келмас эди кўргали ани ажал,
Чунки ажалга эди андин халал [8].

Достондаги муболагаларни ўрганиш жанг билан алоқадор вазиятлар тасвирида ҳам бўрттиришнинг роли аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Ақл билан Ишқ элининг ўртасидаги зиддият урушгача бўлган ҳолатга бориб етади. Иккала қўшин Армон водийсига тўпланади. Тонг отгач, уруш ҳаракатлари бошланади. Ана шу ҳолат билан боғлиқ тасвирлар муболаганинг имкониятини яна бир бор юзага чиқаради:

Найза бўйи чиққанида меҳри нур,
Икки тараф қилди аён нафхи сур.

Тутти фалак даштини овози кўс,
Қўрқусидин бўлди қуёш сандарус.

Кўс уни баским эди хорошикоф,
Титрар эди ҳайбатидин кўҳи Қоф [8].

Офтоб найза бўйи кўтарилгач, икки қарама-қарши томон ҳам жангга чорловчи карнайларини чалишди. Унга катта ноғораларнинг ҳам овози қўшилди. Фалаккача етган даҳшатли шовқин-сурондан қўрқиб қолган қуёш саргайиб кетган бўлса, ҳаттоки, бу овознинг ҳайбатидан афсонавий Қоф тоғи ҳам титрар эди. Даҳшатли уруш ўзидан катта талофатларни ҳам қолдиради, қанчадан қанча одамларнинг қирилишига ҳам сабаб бўлади. Ўликларнинг кўплигидан юришнинг ҳам имкони йўқ эди:

Ерни қилиб ўзига мадфан қуёш,
Ўзга ўлук эрди ер устида фош.

Юрмокинг анда эди имкони йўқ,
Чунки ўлукнинг эди поёни йўқ [8].

Ишқ мавзуси ва у билан боғлиқ изтироблар, ишққа мубтало бўлган қаҳрамонларнинг кўнгил кечинмаларини кучайтириш ва шу орқали образли ифода ҳосил қилиш “Хусн ва Дил” достонида етакчи хусусиятга эга. Ишққа ошуфта

кўнгилинг руҳий дунёси, уни ёндирувчи ишқ оловининг кўринмас азоблари муболага асосида янада таъсирчанликка эришади:

Жонимаро ишқ ўтидин бир зухур,
Борки десам ёнғусидур кўҳи Тур [8].

Шоирнинг тасаввурича, ошиқни қуйдираётган ишқ олови шунчалик кучлики, ҳатто, унинг бир зарраси Тур тоғини ҳам ёндириб юбориш даражасигача етади. Бир қараганда бу оддий гапдай туюлади. Бироқ байт мазмуни моҳиятига чуқурроқ назар ташланадиган бўлса, унда инсоннинг висол иштиёқида қай даражада азобланаётганлигига ҳам ишора бордек, гўё. Демак, бу оловга фақат инсонгина чидай олар экан. Бошқа ҳар қандай нарса унга дош бера олмаслиги Тур тоғи мисолида бўрттирилиб, ишқ оловининг қандай таъсирга эга эканлиги муболага воситасида бадиийлаштирилмоқда.

Маъшуканинг ошиққа бўлган ҳар бир эътибори ва муносабати унинг учун жуда ҳам қадрли. Айниқса, унинг мактуби кўнгилидаги оловли дарднинг давоси ва ҳаётидаги шодликнинг белгиси бўлса, айтган гаплари кўнгил қувончининг асосий сабабидир:

Бор эди иншойи хатингда шифо,
Дейки сурур эди-ю, жонга сафо.

Ҳарфи онинг эди фарахбахши дил,
Лаъли муфарриҳ эди ондин хижил [8].

Ошиқ мактубда битилган ҳар бир ёзувни дарднинг шифосидай қабул қилади. Чунки уларни ўқиш, ўзи учун аталганлигини ҳис қилиш хурсандчилигига сабаб бўлади. Кўнгил қувончи бўлган сўزلардан “лаъли муфарриҳ”нинг хижил бўлиб қолиши поэтик ҳодиса ҳисобланади. Чунки жонлантириш билан уйғунлашиб келган бу фикрлар муболага асосида янада таъсирчанликка эришиб, маъшукка хос бўлган хусусиятларни бўрттиришга хизмат қиляпти.

Муболага ўтмиш замонлардан бери бадиий ижод оламида кенг қўлланилиб келади. У ҳар бир асарнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос хусусиятларда намоён бўлади. Нишотий ҳам муболаганинг имкониятларидан самарали фойдаланган ижодкорлардан бири саналади. “Ҳусн ва Дил” достони ҳажман анчагина катта асар бўлганлиги, ундаги воқеалар кўламининг кенг қамровли эканлиги, турли образларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларга хос бўлган баъзи бир хусусиятлар тасвирида шоир учун муболага жуда қўл келади. Достонда ишқий кечинмалар билан боғлиқ ҳодисалар талқини ҳамда катта ва кичик образларга алоқадор фазилат ёки қусурлар ифодаси бўрттириш ёки кучайтиришнинг маҳсули сифатида ўзига хос ўрин тутаяди. Демак, муболага катта ҳажмли асарлар таркибига кирувчи достонлар бадииятида муҳим рол ўйновчи бадиий тасвир воситаларидан бири сифатида алоҳида ажралиб туради.

Адабиётлар

1. Ҳусайний А. Бадойиғу-с-санойиғ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. -Б. 152.
2. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -Б. 71.
3. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. –Т.: Ҳазина, 1996.
4. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Т.: Шарқ, 2020.

5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Зарқалам, 2006.
6. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998.
7. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. –Т.: 2001.
8. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Лирика. –Т.: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. -Б. 47-48, 48, 76-77, 79, 79, 102, 111, 213, 224, 300, 297

ҚАНОТЛИ СЎЗ, АФОРИЗМ ВА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚИ

Исакова Гузалхон Неъматовна,
филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат стоматология институти

isakova-guzal@mail.ru

Телефон: +99890 970 06 19

Аннотация. Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, улар сайқалланган шаклда машҳур файласуф, олим, ёзувчи ва давлат арбобларининг фикрларидир. Улар асрлар оша тилдан-тилга ўтиб, нутқимизни безаб келаётган маънодор тил бирлиги саналади. Қуйидаги мақолада турли характер-хусусият ва ҳолатларни лўнда ифодалашга хизмат қиладиган сермазмун ва образли ифодалар, яъни қанотли сўзлар тушунчаси ва унинг афоризм, фразеологик бирликлардан фарқи борасида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: қанотли сўз, сайқалланган, образли, маънодор, қўлланувчан, афоризм, манба, муаллиф, фразеологик бирлик.

DIFFERENCES BETWEEN THE CONCEPTS OF WINGED WORDS, APHORISMS AND PHRASEOLOGICAL UNITS

Isakova Guzalkhon Ne'matovna,
Doctor of philosophy, docent
Tashkent State Dental Institute (Uzbekistan)

Annotation. Winged words have a great role in the national and world culture. They are the words of great philosophers, scientists, writers and statesmen. They are the word combinations which make our speech more meaningful and bright. This article deals with the concept of winged words and their differences from aphorisms, phraseological units that serve to express succinctly various features and specialties of the language in figurative expressions.

Key words: winged words, polished, figurative, semantic, used, aphorism, source, author, phraseological unit.

РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ ПОНЯТИЯМИ КРЫЛАТЫЕ СЛОВА, АФОРИЗМЫ И ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ

Исакова Гузалхон Неъматовна,
Кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный стоматологический
институт (Узбекистан)

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ 10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES		
38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263